

МАМЛАКАТ ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Юлдошев Самариддин Самандар ўғли,

ИНФОРМАЦИЯ О
СТАТЬЕ

АННОТАЦИЯ:

ИСТОРИЯ СТАТЬИ:

Received: 03.10.2025

Revised: 04.10.2025

Accepted: 05.10.2025

Ушбу мақолада Мамлакат транспорт инфратузилмаси иқтисодий самарадорлигини оширишнинг назарий асослари таҳлил қилинган.

КЛЮЧЕВЫЕ
СЛОВА:

транспорт
инфратузилмаси,
самарадорлик, мажмуа,
замонавий
технологиялар..

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан фарqli равишда транспорт ишлаб чиқариш соҳасининг зарур шarti бўлиб ҳисобланади – хом ашё ресурсларисиз муваффақиятли ривожланиши мумкин, аммо асосий таркибий қисми транспорт инфратузилмаси бўлган транспорт мажмуисиз унинг ижтимоий-иқтисодий тараққий этишини тасаввур этиб бўлмайди. Мамлакатда транспорт оқимларининг мавжудлиги ривожланган транспорт инфратузилмасини кўзда тутиб, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда уларнинг ривожланишини тўлиқ ҳажмда таъминлаш имкониятини беради.

Транспорт инфратузилмаси мамлакат иқтисодиёти ва аҳолисининг ташувларга, миллий иқтисодий-экологик хавфсизлик талабларига мувофиқ равишда ишончли ички ва минтақалараро товарлар алмашинувидаги эҳтиёжини қондиришга, ер усти, сув ва ҳаво қатнов йўллариини режали ва мутаносиб ривожлантиришга, ҳудуд миқёсида транспорт билан таъминланганликка, шунингдек фавқулодда вазиятларда ташишларни бажаришга мобилизацион тайёрликка қаратилган бўлади.

Мамлакат инфратузилмаси мажмуининг бир қисми сифатида транспорт инфратузилмаси маълум омиллар, шарт-шароитлар ҳамда ҳудуд хусусиятларига боғлиқ бўлган муайян вазифалар ва функцияларни бажариб боради. А.Б.Максимовнинг бу борада билдирган фикрини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўз навбатида И.А.Семина ва В.А.Кустов транспорт инфратузил- масининг худудий тизимлардаги қуйидаги вазифаларини ажратиб кўрсатадилар. Биринчидан, транспорт – бу худудий хусусиятлар индикатори ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий сифатининг асосий таркибий қисми. Иккинчидан, транспорт алоқалар тақсимловчи ва мувофиқлаштирувчи ҳисобланади, натижада, операцион макон чекловчи, бошқача айтганда, “худудларни туташтирувчи”, яъни “транспорт хабни ҳосил қилувчи” каби вазифаларни келтириб ўтган¹.

Бизнинг фикримизча транспорт инфратузилмасининг объекти - технологик мажмуа ҳисобланади ва қуйидагилар асосий таркиби: темир йўл ва автомобил вокзаллари, станциялари; метрополитенлар; тоннеллар, эстакадалар, кўприклар; денгиз терминаллари, денгиз портлари акваториялари; портлар; аэродромлар, аэропортлар, транспорт воситалари ҳаракатини боғлаш, навигациялаш ва бошқариш тизимлари, автомобил йўллари, темир йўллар ва ички сув йўллари участкалари, вертодромлар, қўниш майдонлари, шунингдек транспорт мажмусининг ривожланишини таъминлайдиган бошқа бинолар, иншоотлар, қурилмалар ва ускуналар ҳисобланади.

Транспорт инфратузилмасининг объект сифатидаги тўлиқ тавсифини бериш мазкур тушунча кенг қамровлилиги сабабли бир мунча мураккаб, бунда транспорт инфратузилмасининг асосий объектлари, яъни иқтисодий тизимни муваффақиятли ривожлантириш мақсадида транспорт-иқтисодий алоқаларининг амалга оширилишини таъминлайдиган автомобил, темир йўл, сув ва ҳаво қатнов йўллари кабилар ҳисобланади.

Транспорт инфратузилмаси ўзини мамлакат инфратузилмаси мажмуининг бошқа турларидан ажратиб турадиган бир қатор ўзига хос

хусусиятларга эга. Мазкур соҳа билан шуғулланадиган аксарият иқтисодчилар транспорт инфратузилмасининг асосий хусусияти объектларнинг тармоқли жойлашишини кўрсатиб, ишлаб чиқаришнинг жойлаштирилганлиги ва жойлаштирилиш тизими билан ўзаро боғлиқлигини келтириб чиқаради, шу сабабли мамлакат инфратузилмасининг бу тури, бошқа турларидан фарқли равишда, кўпроқ худудий ўзига хослиги билан ажралиб туради. Транспорт фаолиятининг ижобийлиги муайян даражада ишлаб чиқаришнинг тўпланиши, тармоқнинг ўзлаштирилганлик даражасини, унинг салоҳиятини, шунингдек мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланганлик даражасини тавсифлаб беради.

Ю.Н.Гольская ўз тадқиқотида транспорт инфратузилмасининг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатади: унинг элементлари ягона тизим сифатида фаолият кўрсатади; транспорт инфратузилмаси минтақавий тизимнинг бошқа таркибий қисмлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Демак, транспорт инфратузилмаси худуд билан қатъий тарзда боғланмаганлиги боис, ҳаракатланувчи таркиб унинг элементи ҳисобланмайди.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазаларга асосланиб, транспорт инфратузилмасининг яна бир асосий хусусиятини келтириш мақсадга мувофиқ. Икки томонлама бу – бир тарафдан самарали фаолият кўрсатаётган транспорт инфратузилмасисиз моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириб бўлмаслигида, ҳамда муайян ҳудуд ижтимоий- иқтисодий ўсиш суръатларининг транспорт инфратузилмасига боғлиқлигида, бошқача айтганда, ушбу объектларнинг яратилиши ва ривожланиши уларга киритилган капиталдан фойда келтирмайди, бироқ билвосита тарзда хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдасини оширади ва мамлакатнинг ялпи маҳсулоти қийматига таъсир кўрсатишида намоён бўлади. Шу сабабли транспорт инфратузилмасига киритилган капитал маблағлар қиймати кўп

жиҳатдан ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий соҳаларининг ривожланиш суръатларига боғлиқ бўлади.

А.Б.Тумхўжаев фикрига кўра, транспорт инфратузилмаси “... бозор ёки бозор иқтисодиётининг бутун инфратузилмаси таркибий элементи бўлиб, нафақат ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳанинг фаолият юритиши, балки барча турдаги бозорлар ишлашининг ҳам иложи йўқ, бунда мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши умуман олганда, тўғридан-тўғри транспорт инфратузилмаси объектлари ва элементлари тараққий этганлик даражаси билан боғлиқ...”. Шунингдек А.Б.Тумхўжаев³⁵ қайд этишича, “мамлакат иқтисодиётининг самарали ишлаши нафақат моддий ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришга оид бўлмаган соҳаларнинг базавий тармоқлари, балки кўп жиҳатдан эҳтиёжларнинг транспорт, алоқа тармоқлари томонидан ўз вақтида ва тўлиқ қондирилишига боғлиқ”.

Транспорт инфратузилмаси умумий бозор инфратузилмаси ёки бозор хўжалигининг таркибий қисми ва асосий элементи ҳисобланиб, усиз нафақат ижтимоий соҳа, асосий ишлаб чиқариш тармоқлари ва бўғинлари, балки турли бозорлар (товар, хомашё, савдо, меҳнат ва бошқалар) ҳам фаолият юрита олмайди, бунинг устига турли бозорларнинг шаклланиши ва ривожланиши бевосита транспорт инфратузилмасининг таъминланганлик даражасига боғлиқ.

Транспорт инфратузилмасининг вазифалари – ишлаб чиқариш, тақсимот, муомала ва истеъмол соҳаларини ягона занжирга бирлаштириш, мамлакат иқтисодиётидаги моддий, молиявий ва ахборот оқимларининг тез айланишини таъминлашдан иборат. Транспорт инфратузилмасининг асосий вазифаси мамлакат иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири сифатида бозор муносабатларининг шаклланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаб бериш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан транспортинфратузилсининг барча ташқи ва ички элементлари бир-бири билан ўзаро боғланган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, транспорт – минтақаларнинг инфратузилмасини ташкил этиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш самарадорлигини белгилаб

берадиган асосий омиллардан ҳисобланади. Бугунги кунда транспорт инфратузилмасини бир томондан халқ хўжалигининг бир қисми, бошқа томондан йирик кўп тармоқли тузилма ҳамда транспорт мажмуасининг асосий қисми сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда яратилаётган транспорт инфратузилмаси объектлари, биринчи навбатда, минтақанинг транспорт-иқтисодий алоқаларини амалга оширишга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш масалаларига қаратилган бўлиши лозим. Уларнинг ўзаро ҳамкорлигини кўзда тутмаган ҳолда бу каби объектларни дабдурустан, бетартиб равишда кўплаб яратиб ташлаш иқтисодиётни кўтариш ва минтақалар ҳаёт даражасини ошириш мақсадидаги транспорт. Шу сабабли ҳам минтақа, ҳам умуман мамлакат даражасида нафақат ташиш жараёнининг самарадорлигини ошириш, балки улар ижтимоий- иқтисодий ривожланиш даражасини юксалтириш мақсадида самарали транспорт инфратузилмаси шакллантириш зарурати пайдо бўлади. Замонавий талабларга мувофиқ, транспорт инфратузилмасининг самарали ривожланганлиги кўп жиҳатдан минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсир кўрсатади, чунки минтақавий инфратузилма ушбу турининг функционал фаолияти нафақат минтақи иқтисодиёти, балки ижтимоий соҳанинг самарадорлиги билан ҳам ўзаро боғлиқ. Бунда унинг таркибий қисмлари хусусияти, биринчи навбатда, улар томонидан яратилган маҳсулот солиштирма салмоғи билан эмас, балки исталган минтақада унинг қайта ишлаб чиқариш асосини ташкил қилган асосий ишлаб чиқариш тармоқларида максимал миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳа хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш учун зарур шарт- шароитларни таъминлашга қаратилган фаолият билан белгиланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Равшанов М.А. Йўл-транспорт мажмуаси иқтисодий салоҳияти. Муаммо ва ечимлар. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2012. – 196 б.
2. Максимов, А.Б. Транспортная инфраструктура регионов. / А.Б.Максимов // Известия ИГЭА. - 2007. - №1. - С. 30-33.
3. Саматов Ғ.А. ва бошқалар. Рақобат муҳитида халқаро транспорт тизими фаолиятининг логистик ишончилиги. – Т.: ТошДАУ нашр таҳририяти бўлими, 2003. – 82 б.
4. Ирисбекова М.Н. Маркетинг тамойиллари асосида транспорт хизматлар бозорини оптималлаштириш услубларини такомиллаштириш. Дис. автореф., Тошкент 2017.
5. Семина, И.А., Кустов, М.В. Транспорт в территориальной социально-экологической системе.